

TOSHKENT HAQIQATI

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

2026-yil
15-avgust
SHANBA

№ 64 (13925)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



Нурафшонда

фавворалар
ансалиби

Бунёдкорлик

Навбатдаги қабул



Аҳоли билан очиқ мулоқот – ишонч ва натижанинг муҳим мезони

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Нурафшон шаҳри марказида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятидаги Халқ қабулхонаси биносида фуқаролар учун навбатдаги шахсий қабулини ўтказди.

Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, банк ҳамда молия муассасалари масъуллари, шунингдек, ЗОМ платформаси орқали туман ва шаҳар ҳокимлари иштирок этиб, фуқароларнинг murojaatlari тинглашди.

Қабулда 200 дан ортиқ фуқаролар бевосита ва масофадан туриб иштирок этиб, ўзларини қийнаётган масалалар юзасидан murojaat қилдилар. Ҳар бир масала ўрганилиб, муаммонинг ечими бўйича масъулларга аниқ вазифалар белгиланди.

Мурожаатлар асосан бандлик, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, уй-жой, ер ва кадастр, коммунал хизматлар, суд-ҳуқуқ, ижтимоий ҳимоя

ҳамда молиявий кўмак масалаларига оид бўлди.

Қабул жараёнида фуқароларнинг murojaatlari шунчаки тинглаш билан чекланиб қолмасдан, уларни жойида ҳал этиш, ечими вақт талаб қиладиган масалалар бўйича эса масъул ташкилотлар ва раҳбарларга аниқ муддат ҳамда топшириқлар белгилашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, қабулга келган фуқаролар бинода яратилган замонавий шароит ва қулайликлар билан танишиб, рақамли хизматлар, электрон murojaatлар тизими ҳамда фуқаролар учун ташкил этилган хизмат кўрсатиш майдонларини кўздан кечиришди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Кичкинтойларга байрам совғаси

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида Оҳангарон туманининг олис тоғли ҳудудида жойлашган "Гўшсой" маҳалласидаги 1-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти мукамал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Тухфа

Эндиликда муассасада болажонлар учун қулай ва замонавий шароитлар яратилди.

Мукамал таъмирлаш ишлари 1,1 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, муассасанинг биноси ва ички хоналари замонавий қиёфага келтирилди.

Энг муҳими, муассасада таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, тарбияланувчилар учун муносиб шароит яратиш ҳамда

болаларнинг жисмонан соғлом ўсишларига хизмат қиладиган муҳит шакллантирилди.

Байрам арафасида фойдаланишга топширилган мактабгача таълим ташкилоти нафақат болалар, балки ота-оналар учун ҳам муносиб байрам совғаси бўлди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати



Маърифий учрашув

МЕТАЛЛУРГЛАР ВА ИЖОДКОРЛАР МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан турли соҳа вакиллари бир даврага жамлаган тадбирлар юртимиздаги байрам шукҳини янада ошироқда. Ана шундай самимий учрашувлардан бири Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими ҳамда «Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳамкорлигида Олмалик кон-металлургия комбинатининг Марказий таъмирлаш-механика заводи ва Марказий аналитик лабораторияси ишчи-ходимлари билан ташкил этилди.

4

Асосий вазифа – халқимизга хизмат қилиш

Тошкент вилоятида замонавий талаблар асосида бунёд этилган янги Халқ қабулхонасига пресс-тур ташкил этилди. Унда журналист ва блогерларга фуқаролар murojaatlari билан ишлашнинг янги механизмлари, сунъий интеллект имкониятлари, Вазиятлар маркази ҳамда murojaatларни таҳлил қилиш ва назоратга олиш тизими намойиш этилди.

Пресс-тур

Бугун давлат идоралари фаолиятининг энг муҳим мезони фуқароларнинг murojaatlari қай даражада тезкор ва самарали муносабат билдириляётгани, муаммоларга амалий ечим топиляётгани билан белгиланади. Шу маънода, аҳоли билан очиқ ва бевосита мулоқотни йўлга қўйиш, murojaatларни ўз вақтида ўрганиш ва натижадорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент вилоятида бунёд этилган янги Халқ қабулхонаси айнан шу мақсадларга хизмат қиладди. Мазкур масканда замонавий инфратузилма ва рақамли технологиялар билан бир қаторда, фуқаролар murojaatlari қи-

бул қилиш, ўрганиш, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиш ҳамда ижросини назорат қилишнинг яхлит тизими шакллантирилган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган пресс-турда 20 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси бошлиғи Фаррух Омонов ҳамда Тошкент вилояти Халқ қабулхонаси бошлиғи ўринбосари Насиба Кулбекова журналист ва блогерларга янги қабулхонанинг имкониятлари, murojaatлар билан ишлаш



тартиби, уларни таҳлил қилиш ва ижросини назоратга олиш механизмлари ҳақида маълумот берди.

ОАВ вакиллари жараёнлар фақат назарий жиҳатдан тушунириб берилмай, murojaatни қабул қилишдан бошлаб, унинг яқиний ечимининг назорати-

гача бўлган босқичлар амалий тарзда намойиш этилди. Бу эса янги тизимнинг асосий мақсади murojaatни шунчаки рўйхатга олиш эмас, балки фуқаронинг муаммосини чуқур ўрганиш ва унга амалий ечим топишдан иборат эканини кўрсатди.

2


16 август – Халқаро авиация куни



Самолёт осмонга кўтарилди. Пастда Тошкент чироқлари тобора кичрайиб, йўловчилар кўз ўнгига шаҳар манзаралари узоклашиб борарди. Олдинда эса Атлантика ортидаги Нью-Йорк... Аммо бу оддий парвоз эмасди. Бу – бутун дунё тарихидаги энг даҳшатли воқеалардан бири содир бўлган кунда, тақдир тақозоси билан юзлаб инсонлар ҳаёти учун масъулиятни зиммасига олган ўзбек учувчисининг парвози эди.

«101-рейс» – ҳақиқий воқеалар асосида суратга олинган ўзбек бадиий фильми. Унда 2001 йил 11 сентябрь куни Тошкентдан Нью-Йорк томон йўл олган «Boeing – 757» самолёти ва уни бошқарган экипаж тақдири ҳақида ҳикоя қилинади.

Картина «Ёшлик киностудияси» ҳамда Кинематография агентлиги томонидан суратга олинган. Фильмнинг ilk намоиши 2021 йил 28 сентябрдан 3 октябрга қадар «Ипак йўли гавҳари» Тошкент халқаро кинофестивали доирасида ўтказилган. 2022 йил 1 июнь куни эса Тошкентдаги Кинематография уйида фильмнинг махсус намоиши бўлиб ўтган. Фильмда Ўзбекистоннинг таниқли актёрлари – Ҳошим Арслонов, Умид Исқандаров, Олег Галахов ва бошқалар иштирок этишган. Бироқ, била-



сизми, бош қаҳрамон ҳаётда ким бўлган? У Ўзбекистон Қаҳрамони Зариф Муродович Саидазимов эди.

ЭКРАНДАГИ ҚАҲРАМОН – ҲАЁТДАГИ ҚАҲРАМОН

2001 йил 11 сентябрь. Тошкентдан Нью-Йоркка йўл олган «Boeing – 757» самолёти ҳавога кўтарилди. Самолёт командири Зариф Саидазимов бу парвоз нафақага чиқишдан олдинги сўнгги рейс бўлишини билмас эди. Унинг ҳаёлида одатдагидек парвоз, йўловчилар, маршрут, масъулият...

Аммо тақдирнинг «режиси» бошқача экан. Америка ҳаво ҳудудига яқинлашган сари вазият кескинлашади. Самолёт командирига Бостоннинг бошқа аэропортига қўниш ҳақида кўрсатма берилади. Йўловчилар орасида ҳавотир ва ваҳима бошланади.

Ана шундай вазиятда инсоннинг ҳақиқий қиёфаси намоён бўлади. Учувчи учун қатъий қоида бор: у осмонда хато қилишга ҳаққи йўқ. Унинг бир қарори юзлаб тақдирларни ҳал қилиши мумкин.

Зариф Саидазимов ана шу масъулиятни зиммасига олди. Унинг ҳаёти кейинчалик фильмга, фильм эса бутун бир авлод хотирасига айланди. Таъкидлаш кераки, Зариф Саидазимовнинг қаҳрамонлиги фақат биргина машҳур рейс билан ўлчанмайди. Чунки 26 минг соатдан ортқ парвоз – бу шунчаки рақам эмас.

Бу – осмонда ўтган умр. Бу – минглаб километрлар, юзлаб аэродромлар, турли мамлакатлар, турфа тақдирлар, ўн минглаб йўловчилар ва ҳар бир парвозда бир хил даражадаги масъулият демакдир.

ЯМ-ЯШИЛ ДАЛАЛАРДАН КЎМ-КЎК ОСМОН ҚЎЙНИГА

Бугун касб байрами муносабати билан номини тилга олаётганимиз, фидойи ва жасур учувчи – Ўзбекистон Қаҳрамони Зариф Саидазимовнинг юксак унвонга сазовор бўлгани ва айниқса, унинг вилоятдошимиз эканлиги дилмишни фахр-ифтихорга тўлдирди.


Тўғри, Зариф Саидазимов Тошкентда тахсил олди, пойтахтда камол топди. Аммо унинг ҳаётида Ўрта Чирчиқ тумани, хусусан, Роватак қишлоғининг алоҳида ўрни бор. Унинг отаси Мурод Саидазимов кўп йиллар шу қишлоқда яшаган. Саидазимовлар сулоласининг авлодлари бугун ҳам шу маҳаллада истиқомат қиладилар.

Ўша пайтларда Мурод Саидазимовларнинг Роватакда ҳам, шаҳарда ҳам уйлари бўлган. Ота-оналари бу томонларга тез-тез келиб турганлар. Ана шундай кунларнинг бирида, анироғи 1956 йил 26 апрелда Тўйтепадаги туғуруқхонада ўғил фарзанд дунёга келади. Унга Зариф деб исм қўйди.

Зарифнинг қувноқ болалиги Роватакнинг кенг кўчаларида тенгдошлари, амакиваччалари билан ўтди. Қорасувда чўмилди. Далаларда югурди. Шўх-шодон кунларнинг беғубор завқини сурди.

Ва бир куни... Қишлоқ осмонини ларзага солиб, самолёт пайдо бўлди. У болаларча ҳайрат билан самога қаради. Кейин унинг ордидан югуриб, халқ орасида машҳур бўлган:

“Самолёт, самолёт, қанотларинг пастлаб ўт, Самолёт, самолёт, осмонларга олиб кет”, деган сатрларни баралла айтганча чоғиб кетди. Ким билади дейсиз, балки учувчилик орзуси ўша пайтда, пайдо бўлгандир...



Инсон тақдирининг ажойиблиги ҳам шунда эмасми? Бола жажокилигида самолёт ортидан югуради. Йиллар ўтган эса ўша самолётни ўзи бошқаради...

ҚИШЛОҚДАГИ ОРЗУ – ДУНЁ БЎЙЛАБ ПАРВОЗ

Зариф Саидазимов учувчилик касбини эгаллагач ҳам болалиги ўтган қишлоғини унутмади. Бир муддат Қорасувдаги мавсумий аэропортда қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов берадиган самолётларни бошқарди. Аранчи қишлоғидаги аэроқлубда ўқувчиш машғулотларида иштирок этди.

– Ҳозир ҳам ўша даламларни эслаб, завқланаман. Роватаклик қариндош-уруғлар билан борди-келди қилиб турадилар, – дейди у.

Зариф Муродович бу йил 70 ёшни қаршилади.

Етмиш йил... Аммо унинг умрини йиллар билан

ўлчашнинг ўзи камлик қилади. Чунки ҳаётининг катта қисми осмонда кечди. У самолёт бошқарувида ўтказган минглаб соатлар давомида инсоннинг тақдири фақат ўзига боғлиқ эмаслигига кўп бора амин бўлди.

ҚАҲРАМОНДАН – УСТОЗГА

Бугун Ватанимиз ҳаво йўлларида халқимизга садоқат билан хизмат қилаётган кўплаб жасур учувчилар Зариф Саидазимовни ўзларига устоз деб биладилар.

Бу ҳам қаҳрамонлиқнинг яна бир ўлчови. Чунки ҳақиқий устознинг ҳаёти ўз умри билан тугамайди. Унинг билими шогирдларида, тажрибаси авлодларида, орзуси эса уларнинг парвозларида давом этади.

Зариф Саидазимовнинг жигарлари, фарзандлари орасида ҳам авиация соҳасини танлаганлар кўп. Укаси Шавкат Саидазимов авиацияда бор-традист бўлиб иш-

лаган, қизи бортузатувчилик касбини эгаллаган, ўғли эса Тошкент авиация институтида тахсил олган. Демак, бу хонадонда авиация шунчаки касб эмас. У – оилавий қадрият. У – авлоддан авлодга ўтиб келаётган ишонч. Ажаб эмас, келажакда бу сулоладан яна янги қаҳрамон учувчилар етишиб чиқса!

“ОСМОНИ ФАЛАКЛАРДА”

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султоннинг шу номи китобини ўқигансиз. Осмон... Инсон унга ҳамisha ҳайрат билан қараган. Бола учун у – орзу. Ёш йигит учун – интилиш. Учувчи учун эса – масъулият. Хайриддин Султон қаламига мансуб қаҳрамонлар ҳам шу маънода оддий одамлар эмас. Улар ҳаётнинг оғир синовларида тобланган, ўз касби ва бурчига содиқ, инсон қадрини юксак тутадиган фидойи замондошлардир. Зариф Саидазимов ҳам ана шундай инсонлар сафиди. Унинг ҳаётида фильмга сиймай қолган воқеалар, бир мақолага жойлаштириб бўлмайдиган хотиралар, рақамларда ифодалаб бўлмайдиган жасорат бор. «101-рейс» – унинг ҳаётидаги биргина парвоз ҳақида ҳикоя қилади. Аммо 26 минг соатдан ортқ парвоз – унинг бутун умри ҳақидаги ҳикоядир.

Шу боис Зариф Саидазимов ҳақида гап кетганда, биз фақат 2001 йил 11 сентябрдаги рейсни эсламасдан, Роватак далаларида самолёт ортидан юрган болани ҳам кўришимиз керак. Осмонга биринчи бор ҳайрат билан қараган болани, орзу қилган йигитни, касбини муқаддас билган учувчини, юзлаб инсонлар тақдирини ўз қўлида тутган қаҳрамонни, ва бугун ёш учувчиларга устозлик қилаётган инсонни ҳам кўришимиз лозим.

Балки, қаҳрамонлиқнинг асл маъноси ҳам шундадир: инсон бир кунда қаҳрамон бўлиб қолмайди. У умри давомида ўзининг ҳар бир парвози, ҳар бир қарори, ҳар бир шогирди билан қаҳрамонликка муносиб ҳаёт кечиради. Сабаби осмони фалак кенг, унда эса самолётлар кўп...

Аммо ана шу чексиз самонда инсон номини юксакка кўтариб қўядиганлар кам. Зариф Саидазимов ана шундай инсонлардан. Унинг парвози эса ҳали давом этмоқда. Осмонда – самолётлар, ерда – шогирдлар, амалда эса Қаҳрамоннинг ибратли умри...

Маъмурижон БОЗОРАЛИЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ДЕМОГРАФИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ МАНЗАРАСИ

▼ Статистика бурчаги

Аҳоли сони, унинг тарқи ва ҳудудлар бўйича жойлашуви ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини белгилашда муҳим ўрин тутати. Шу боис аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбири мамлакат тараққиёти учун ишончли статистик маълумотларни шакллантирувчи энг муҳим давлат тадбирларидан бири ҳисобланади. Рўйхатга олиш натижалари асосида таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой қурилиши, транспорт, бандлик, ижтимоий ҳимоя ва бошқа соҳаларда узоқ муддатли режалар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги фармонида мувофиқ, 2026 йилнинг 15 январидан 28 февралга қадар мамлакатимизда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбири ўтказилди. Замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этилган мазкур жараён мамлакатимиз аҳолиси ва иқтисодий са-

лоҳияти ҳақида янада аниқ ва ишончли маълумотларни шакллантириш имконини берди.

2026 йил 30 июнь куни эълон қилинган дастлабки натижаларга кўра, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 39 миллион 47 минг 321 нафарни ташкил этди.

Тошкент вилояти бўйича дастлабки натижалар эса ҳудудда демографик ўсиш

суръатлари юқори эканини кўрсатди. Рўйхатга олиш маълумотларига кўра, вилоят аҳолиси 3 миллион 763 минг 93 нафарни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2026 йил 1 январь ҳолатидаги жорий демографик ҳисоб-китобларга нисбатан 602 минг 422 нафарга кўп бўлиб, рўйхатга олиш жараёни аҳоли сонини янада аниқ белгилаш имконини берганини кўрсатади.

Худудлар кесимида тахлил қилинганда, Тошкент вилоятида шаҳар аҳолиси устунлик қилмоқда. Жумладан, 2 миллион 209 минг 439 нафар аҳоли шаҳарларда, 1 миллион 553 минг 654 нафар аҳоли эса қишлоқ жойларда истиқомат қилаётгани кайд этилди. Бу эса урбанизация жараёниларини изчил давом этаётгани, шаҳарларда иқтисодий фаоллик, иш ўринлари ва инфраструктуранинг ривожланиши аҳолининг кўчиб ўтишига таъсир кўрсатаётганидан далолат беради.

Тахлилларга кўра, вилоятда 1 миллион 897 минг 430 нафар эркак ва 1 миллион 865 минг 663 нафар аёл рўйхатга олинган. Бу демографик мувозанат сақланаётганини англа-

тади. Шунингдек, 85 ёш ва ундан катталар аҳоли сонининг 19 минг 203 нафарини ташкил этиши аҳолининг умр давомийлиги ортиб бораётганини ҳам кўрсатувчи муҳим демографик омиллардан биридир. Миллий таркиб бўйича дастлабки маълумотларга кўра, Тошкент вилоятида 3 миллион 41 минг 270 нафар ўзбек миллати вакили, 721 минг 823 нафар эса бошқа миллат вакиллари истиқомат қилмоқда. Бу эса вилоятнинг кўп миллатли муҳитини, турли элат вакиллари хамжиҳатликда яшаб, ҳудуд тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётганини тасдиқлайди.

Рўйхатга олиш жараёнида рақамли технологияларнинг кенг жорий этилгани ҳам тад-

бирнинг муҳим жиҳатларидан бўлди. Онлайн рўйхатга олиш тизими ҳамда махсус мониторинг платформаси орқали маълумотларнинг тўлиқлиги, аниқлиги ва сифати доимий назорат қилиниб, инсон омили билан боғлиқ хатоларни камайтиришга эришилди.

Албатта, ҳозирча эълон қилинган рақамлар дастлабки натижалар ҳисобланади. Якуний маълумотлар халқаро статистик методологиялар асосида чуқур таҳлил қилиниб, қайта ишлангандан сўнг расман эълон қилинади. Шунга қарамадан, ушбу дастлабки кўрсаткичлар ҳам Тошкент вилоятининг демографик ҳолатини баҳолаш, ижтимоий инфраструктуранинг такомиллаштириш, аҳоли эҳтиёжларини аниқлаш

ва келгуси йилларга мўлжалланган давлат дастурларини самарали режалаштириш учун муҳим статистик асос бўлиб хизмат қилади.

Демографик маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги ҳар бир ҳудуднинг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор ҳисобланади. Шу маънода, 2026 йилги аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижалари Тошкент вилоятининг бугунги демографик қиёфасини яққол акс эттириш билан бира, унинг истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун ҳам муҳим йўналишларни белгилаб беради.

Вилоят статистика бошқармаси Ахборот хизмати

▼ ДХХ кубоги–2026

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Олмалик шаҳридаги ОКМК ПФК академиясида “ДХХ кубоги–2026” республика босқичининг финал баҳсларига йўланмани қўлга киритган жамоалар аъзолари билан учрашди.

Вилоятимиз Вакиллари ФИНАЛДА

Дастлаб академияда ёшлар учун яратилган шартношлар билан танишилди. Ёш футболчиларнинг машғулот жараёнлари, спортдаги мақсадлари ва келгусидаги режалари ҳақидаги фикрлари тингланди.

Жорий йилни ДХХ кубогининг республика финал босқичида Тошкент вилояти шарафини Юқори Чирчиқ туманининг “Оқовул”, Бука ту-

манининг “Янги ҳаёт”, шунингдек, қизлар ўртасидаги мини-футбол баҳсларида Янгийул туманининг “Халқобод” маҳаллалари жамоалари ҳимоя қилади.

Мулоқотда ёш спортчиларга республика босқичида муносиб иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритишлари учун тилаклар билдирилди.

Шунингдек, вило-

ят ҳокими томонидан республика босқичида 1-ўринни эгаллаган жамоага 500 миллион сўм, 5 та номинация бўйича ғолибларга эса 100 миллион сўмдан пул мукофоти ажратилиши маълум қилинди.

Мазкур ташаббуслар ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини янада ошириш, истеъдодли спортчиларни қўллаб-қувватлаш ва маҳаллаларда футболни ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадбир аввалида меҳмонлар “Металлург” маданият саройи қошидаги комбинат тарихи музейи билан танишди. Музейда сақланган нодир экспонатлар, тарихий ҳужжатлар ва комбинатнинг кўп йиллик тарақиёт йўлини акс эттирувчи маълумотлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг ижодкорларга корхонанинг Марказий таъмирлаш-механика заводида амалга оширилаётган ишлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, ишчи-ҳодимлар учун яратилган шартношлар ҳақида маълумот берилди.

Дарвоқе, Марказий таъмирлаш-механика заводи комбинатнинг муҳим ишлаб чиқариш бўлималаридан бири ҳисобланади. Корхонада эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, асбоб-ускуналар, автотранспорт ва махсус техникаларни таъмирлаш ҳамда уларга ишлов бериш, деталларни қайта тиклаш, пулат, чуян ва рангли куймалар ишлаб чиқариш каби қатор вазифалар бажарилади. Айни пайтда заводда 2 минг 200 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган бўлиб, уларнинг 306 нафари аёллар, 30 нафари ёшлардан иборат. Айтиш жоизки, комбинатда уларнинг маънавий-маърифий савиясини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Жўмладан, шеда кичик кутубхона ташкил этилган бўлиб, ҳодимлар ҳар чоршанба кўни ўқиган китоблари юзасидан фикр алмашишади.

Ижодий учрашувда сўз олган устоз-журналист, “Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталарида кўп йиллар бош муҳаррир лавозимида фаолият юритган Убайдулла Абдушохидов тадбир иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги билан табриклаб, юртимиз тарақиёти, тинчлик ва оқилолликнинг қадри ҳақида самимий фикрлар билдирди.

Шундан сўнг Ватанини севиш,

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

унинг равнақи йўлида меҳнат қилиб, янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш, юртимизда яратилган имкониятларни қадрлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби эзгу ғоялар атрофида қизгин мулоқот бўлди.

Корхонанинг ишчи-ҳодимлари ҳам тадбирда фаол иштирок этиб, ўзларининг ижодий қobiliятларини намойиш этдилар. Шеър-

МЕТАЛЛУРГЛАР ВА

Ижодкорлар

МУЛОҚОТИ

жи йўқ, — деди устоз-журналист Убайдулла Абдушохидов. — Обод маҳаллалар, замонавий корхоналар, яратилган шартношлар ва инсонлар ҳаётидаги ўзгаришларни кўриб, бу аввало тинчлик ва мустақилликнинг шарофатидан эканини англайсиз. Бугунги мулоқотда яна бир бор амин бўлдик: инсонни фақат меҳнати билан эмас, унинг маънавий дунёси, қизиқишлари ва қobiliятлари билан ҳам қадрлаш керак. Бугунги учрашувда ишчи-ҳодимлар орасида ҳам истеъдодлилари кўплигини кўрдик. Аслида, ҳар бир инсоннинг қалбида истеъдод, орзу ва яхши ният бўлади. Асосийси, уни қўриш ва қўллаб-қувватлаш керак. Айниқса, корхонада китоб ва газета мутлоасига катта эътибор берилётгани бизни қувонтирди. Сабаби, маънавий озқу олган инсоннинг дунёқараши кенгайди, фикри теранлашади. Бундай муҳит, албатта, меҳнат жамоасининг кайфиятига ва иш самарадорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Ижодкорлар ва меҳнат аҳлини бир даврага жамлаган, шеър ва қўшиқларга бой учрашув барча иштирокчиларда ўзгача таассурот қолдирди. Зеро, юртимиздаги тантаналар, айниқса, Мустақиллик байрами Ватанинг бугуни ва эртаси, унинг тарақиёти ва тинчлиги ҳақида мушоадада юритиш, эзгу мақсадлар сари янада бирлашиш учун муҳим фурсатдир.

Нозима РАСУЛОВА,

“Тошкент ҳақиқати” муҳбири



▼ Истиқлол илҳомлари

Эҳтиром

Ассалом, янги кун – мунаввар ҳаёт, Бағрида бахт балққан ғўзал бўстоним. Ўттиз беш йил тилдан тушмаган баёт, Инсон қадр толган Ўзбекистоним!

Сенинг меҳринг иссиқ, дийдоринг ширин – Келурлар дунёнинг етти бурчидан. Кўрмоққа ошиқар қудратинг сирин, Салом бор – рус, хитой, озар, гуржидан...

Бугун енг шимарган танти Бекобод, Меҳнаткаш Олмалик – маъданлар қони! Юртбошим дилларга берди куч, қанот – Ўзни кўрсатмоқнинг келди имкони!

Бўстонлик – табиат яратган гултож, Паркентнинг ҳавоси, навоси майин. Оламни рақса чорлар Дилҳирож, Дил обод – юрт обод бўлгани сайин!

Бир чаман юз очди – жаннат ўнг-сўли, Шу ёғ боғбонига қўлқў, шараф-шон! Бир ён “Соҳил бўйи”, бир ён Бахт қўли, Кўринг, бунёд бўлди янги Нурафшон!

Опоқ нур қўйида уйғонар ҳар тонг, Тўпроқда уланги – майсанинг бахти. Юракда бир овоз тинмай чалар бонг: Бугун Ватан учун ашамоқ вақти!

Зарифа ЭРАЛИЕВА

▼ Ғамхўрлик

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида юртимизда эзгулик, меҳр-оқибат ва саховат каби қадриятлар янада кенг намоён бўлмоқда. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига қувонч улашиш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришга қўллаш эзгу анъанага айланмоқда.

35 БОЛАГА ҚУВОНЧ УЛАШИЛДИ

Чирчиқ шаҳрида ҳам ана шундай хайрли ташаббуслардан бири амалга оширилди. Кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун унутилмас байрам ташкил этилди. Мустақиллигимизнинг 35

йиллигига бағишланган саховат тадбирида 35 нафар боланинг суннат тўйи ўтказиб берилди.

Мазкур тадбир «Вақф» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти филиали кўмағида ташкил этилди. Унда 35 нафар боланинг ҳар бирига велосипед ва турли совга-

лар топширилди. Шунингдек, саховатпеша ҳомийлар томонидан болажонлар учун байрамона дастурхон ёзилди. Турли қизиқарли тадбирлар, кўнглочар дастурлар ташкил қилиниб, уларга чин маънода байрам кайфияти улашилди.

Бундай хайрли ташаббуслар юртимизда инсон қадри, оила ва болалар манфаатларига катта эътибор қаратилаётганининг амалий ифодасидир, — дейди вилоят бош имом-хатиби Дониёр Икромов.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда болаларнинг яхши таълим-тарбия олиши ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун яратилаётган имкониятлар таҳсинга сазовордир. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига эътибор кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш халқимизга хос меҳр-оқибат ва бағрикенгликнинг ёрқин намунасидир.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири



TOSHKENT HAQIQATI ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**

“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda” gazetalari
tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi),

Abdusamad NOSIROV, G'afurjon MUHAMEDOV,

Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV,

Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV,

Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV,

Otabek SULTONBEKOV, G'ayrat SHERALIYEV,

Kumush EGAMBERDIYEVA,

Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

To'xtamurod

HASANBOYEV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.



Qabulxona: (55) 520-64-95. Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10.

Mas'ul kotib: (55) 520-05-10. Bo'lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20.

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Gazeta “Toshkent haqiqati” tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2. ISSN 2010-9318.

Bosishga topshirish vaqti – 20:00. Bosishga topshirildi – 23:20. Nashr ko'rsatkichi – 205.

6 882 nusxada chop etildi. Hajmi – 2 taboq. Buyurtma G-835.

Ofset usulida bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ»

nashriyot-matbaa

aksiyadorlik

kompaniyasi

bosmaxonasida

bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon

ko'chasi, 41-uy.